

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕКЧАНОВА МАХФУЗА РУСТАМОВНА

**COVID-19 ЎТКАЗГАН ЮРАК-ҚОН ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИ
МАВЖУД БЕМОРЛАРДА РЕАБИЛИТАЦИЯ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар
14.00.12 – Тиббий реабилитология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бекчанова Махфуза Рустамовна

COVID-19 ўтказган юрак-қон томир касалликлари
мавжуд беморларда реабилитация хусусиятлари..... 3

Бекчанова Махфуза Рустамовна

Особенности реабилитации у пациентов с сердечно
сосудистыми заболеваниями перенесших COVID-19..... 27

Bekchanova Makhfuza Rustamovna

Features of rehabilitation in patients with cardiovascular
diseases who have survived COVID-19..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 56

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕКЧАНОВА МАХФУЗА РУСТАМОВНА

**COVID-19 ЎТКАЗГАН ЮРАК-ҚОН ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИ
МАВЖУД БЕМОРЛАРДА РЕАБИЛИТАЦИЯ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар
14.00.12 – Тиббий реабилитология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.1.PhD/Tib5415 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Набиева Дилдора Абдумаликовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Собирова Гузал Наимовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юлдашева Гулчехра Рустамовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Раимқулова Нарина Робертовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашининг 2025 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмazor тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмazor тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Р. Хидоятова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.А. Рахимова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. COVID-19 пандемияси бошланганидан бери SARS-CoV-2 билан касалланган беморлар, шу жумладан юрак хасталиклари билан оғриганларнинг глобал ўлими 2020 йилдаги ҳафтасига 100 минг ўлимдан 2023 йилга келиб ҳафтасига 6,5 минг кишигача камайди. Бир томондан, бу беморларнинг яшовчанлиги ўсишидан далолат беради, иккинчидан, тиббий жамоатчилиқни олдида ушбу асоратларни даволаш масаласини қўяди. Ковиддан кейинги ўпка ва экстрапулмонар асоратлар кенг тарқалган бўлиб, кўпинча экспиратор ва инспиратор ҳансираш, ўпка тириклик сиғимининг пасайиши, жисмоний фаолиятга толерантликнинг пасайиши, мушаклар атрофияси, мослашувчи захираларнинг пасайиши ва мушакларнинг дегенерацияси, шунингдек, турли хил когнитив бузилишлар билан намоён бўлади. Шу муносабат билан, постковид асоратларни даволашнинг дорисиз усулларини ўрганиш реабилитацияси учун жисмоний ва физиотерапевтик усуллардан фойдаланган ҳолда самарали адаптив дастурни шакллантириш ҳал қилинмаган ва долзарб вазифа ҳисобланади.

Жаҳонда постковид синдром реабилитация хусусиятлари, кўринишлари ва самараси бўйича қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Охирги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, COVID-19 да юрак қон томир тизимининг зарарланиши натижасида турли асоратлар келиб чиқиши мумкин. Дунёдаги кўплаб тадқиқотлар постковид синдромнинг ривожланиш механизмларини аниқлашган, беморларнинг ногиронлик ва ўлим хавфини камайтирадиган реабилитация чораларини ишлаб чиқишга қаратилган. Шу муносабат билан, COVID-19 нинг реабилитация даврининг клиник хусусиятларини ўрганиш, ҳамда юрак-қон томир касалликлари билан оғриб келаётган беморларда индивидуал кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда ковиддан кейинги асоратларни даволаш ва беморлар ҳолатини қайта тиклаш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиётига соҳани ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, турли соматик касалликларни ташхислаш, олдини олиш ва даволашга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш ва самарали ташхислаш...»¹ каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш билан бир қаторда COVID-19 билан боғлиқ бўлган асоратларнинг уни ўтказгандан кейинги синдромини аниқлаш, даволаш ва тиббий реабилитация

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

тамойилларини ишлаб чиқиш беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, эрта ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 19 мартдаги ПҚ- 5969-сон «Коронавирус пандемияси ва глобал инқирознинг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 25 майдаги ПҚ- 5124-сон, «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисидаги»ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ 215-сон «Бирламчи тиббий – санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг турли мамлакатларида олиб борилган кўплаб тадқиқотларга қарамай, COVID-19 ва унинг асоратларини даволашдаги муваффақиятлар, постковид синдромли беморларни даволаш тамойилларини аниқлаш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. 2024-йилги эпидемиологик ҳолатга кўра, дунё бўйлаб 676 миллиондан ортиқ COVID-19 билан касалланган ва 6,8 миллиондан ортиқ ўлим ҳолатлари қайд этилган (J. Hopkins «Coronavirus Resource Centre – COVID-19» Dashboard., 2024). Халқаро соғлиқни сақлаш жамиятнинг глобал ҳаракатлари билан ўз вақтида эмлашдан иборат бўлган COVID-19 нинг оғир оқибатларини олдини олишнинг самарали ва хавфсиз усулини ишлаб чиқишга эришилди (Е. J. Haas ва б., 2021). Ушбу турдаги профилактик тадбирлар рекорд тезликда касалланишни, ўлим хавфини ва инфекциянинг тарқалишини, шунингдек, COVID-19 билан боғлиқ оғир асоратларни сезиларли даражада камайтирди (С. Гупта ва бошқ., 2021). Енгил ва оғир респиратор инфекцияларни характерловчи давом этувчи симптомларнинг (масалан, чарчоқ ва нафас қисилиши каби) қайталанувчи табиатига қарамай, COVID-19 бутун дунё бўйлаб беморлар ва соғлиқни сақлаш тизимлари учун муҳим юк бўлмоқда (О. Л. Аиегбуси ва бошқ., 2021).

Бугунги кунга келиб, инфекцияни бартараф этгандан сўнг, беморларнинг 30-60 фоизиди функционал бузилишлар сақланиб қолиши ва патогенетик постковид синдромни сақланиб қолиши аниқланган [Sheehy LM., 2020; Simpson R., Robinson L., 2020). COVID-19 инфекциясидан кейин характерли узоқ муддатли аломатлари бўлган беморлар, шу жумладан юрак қон-томир касалликлари билан оғриган беморлар сонининг кўпайиши "постковид асоратлари" ёки постковид синдроми атамаларининг киритилишига олиб келди (Е. Перего ва бошқ., 2020). Бундан ташқари, агар аломатлар COVID-19 дан кейин 1-3 ойдан ортиқ давом этса, постковид синдроми ташхиси асосли

ҳисобланади (А. Налбандиан ва бошқ., 2021). Шу билан бирга, постковид асоратлари билан оғриган беморларнинг 50% дан ортиғи коморбид ҳолатда ва эпидемиологик таҳлилга кўра, асосий касалликлар орасида энг кенг тарқалгани юрак-қон томир патологиясидир (Т. Маршалл-Андон ва бошқ., 2023). Айни пайтда юрак-қон томир тизими касалликлари билан оғриган беморлар постковид синдромни даволашда параллел равишда асосий касаллик учун стандарт бўлган ва ножўя оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган фармакологик давони давом эттирмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда Гадаев А.Г., Аляви А.Л., Пирматова Н.В., Исмаилова М.И., Даминов Б.Т., Мўминов Д.К. томонидан постковид синдромнинг турли клиник шакллари бўлган беморларга эрта ташхис қўйиш, даволаш ва реабилитация усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бугунги кунга қадар тиббий реабилитация COVID-19 билан касалланган беморларни жорий этишда муҳим бўғин экани аниқланган. COVID-19 билан касалланган беморларни тиббий реабилитация қилиш «ташқи нафас олиш, кислородни тўқималар, органлар ва тизимларга ташиш ва ундан фойдаланиш функцияларини тиклаш, стрессга чидамлилиқ, психо-эмоционал барқарорлик ва кундалиқ фаолликни тиклашга» қаратилган бўлиши керак (World Health Organization. Regional Office for Europe 2020, Support for Rehabilitation Self-Management after COVID-19; Brugliera L, Spina A, 2020).

Муаммони ўрганиш таҳлили шуни кўрсатдики, COVID-19 билан касалланган беморларда ва унинг асоратларида тиббий реабилитация тадбирлари уч босқичда реанимация бўлимларида, ихтисослаштирилган шифохоналарда ва соматик бўлимларда, поликлиникаларда ва уйда ташкил этилиши керак. (Herridge MS, et al.,2020; Simpson R, Robinson L. et al.,2020; Hui DS, Wong KT et al.,2020). Айни вақтда бутун дунёда каронавирусга ўз вақтида тўғри, тезкор ташхис қўйишга, даволашга ва ихтисослаштирилган реабилитацияни олиб бориш тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Юқорида баён қилинган ҳолатлар ушбу илмий ишни бажариш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация мавзусини диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий- тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №IL – 5221091515-сон «Коморбид патологияси бўлган пост-COVID-19 билан касалланган беморларни реабилитация қилиш технологияларини ишлаб чиқиш» грант мавзуси доирасида бажарилган (2019-2022 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморларда ковиддан кейинги асоратларининг жисмоний реабилитация қилиш дастурини нафас олиш функциясига таъсирини баҳолашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморларда ковиддан кейинги асоратларнинг турлари ва учраш даражаси ва уларнинг муносабатларини аниқлаш;

юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертония билан оғриган беморларда ковиддан кейинги асоратларни клиник ва лаборатор кўрсаткичларини баҳолаш;

постковид синдром билан оғриган беморларда юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларининг функционал ҳолатини баҳолаш;

беморларнинг клиник ва функционал кўрсаткичлари ва ҳаёт сифати ҳолати бўйича терапевтик тадбирлар ва реабилитация дастурлари самарадорлигини баҳолаш;

юрак қон томир касалликлари мавжуд беморларда постковид синдромни даволаш ва реабилитация қилиш учун қиёсий алгоритм яратиш.

Тадқиқот объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида даволанган SARS-CoV-2 коронавирус инфекциясидан кейинги кечки асоратлари бўлган юрак-қон томир касалликлари мавжуд 128 нафар беморлар олинган.

Тадқиқот предмети сифатида илгари юрак-қон томир касалликлари бўлган COVID-19 билан касалланган беморларни реабилитация қилиш хусусиятлари, қон босими кўрсаткичлари (систолик ва диастолик), спирометрия ва велоэргометрия функционал кўрсаткичлари, умумий ва биокимёвий қон таҳлиллари кўрсаткичлари, ҳаёт сифати ва нафас қисилиши даражаси бўйича сўров натижалари кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот давомида умумий клиник ва асбобий (кардиореспиратор текшириш, спирометрия, функционал тест, ҳаёт сифатини баҳолаш шкалалари) ташхислаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги

юрак қон-томир касалликлари билан оғриган беморларда ковиддан кейинги асоратларни кардиореспиратор кўрсаткичлари mMRC шкаласи бўйича ҳансираш даражасини таҳлили реабилитация бошланганидан 12 ҳафта ўтгач ундан олдинги кўрсаткичларга солиштирганда 2,0 баллни ташкил этиши аниқланган;

юрак-қон томир касалликларининг оғирлиги ва ковиддан кейинги асоратлар даражаси, учраш тезлиги ва тури, шунингдек, унинг компенсация даражаси ўртасидаги узвий боғлиқлик аниқланган.

ковиддан кейинги асоратларни комбинирланган реабилитация комплекс дастурининг юрак қон-томир касалликлари билан оғриган беморларнинг кардиореспиратор, жисмоний ва функционал саломатлиги кўрсаткичларига таъсири асосланган;

постковид синдромини реабилитация турига қараб, юрак қон-томир касаллиги билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичлари даражасига таъсирининг ҳар томонлама қиёсий таҳлиliga кўра 3 босқичли комплекс тиббий реабилитация аҳамияти асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Постковид синдром комбинирланган кардиореспиратор реабилитация комплекс дастуридан фойдаланишнинг юрак касалликларига таъсири батафсил баҳоланган;

юрак қон-томир касаллиги мавжуд беморларда постковид синдром ни комбинирланган кардиореспиратор реабилитация бўйича тавсия этилган 12 ҳафталик комплекс дастурининг самарадорлиги исботланган;

юрак қон-томир касалликлар билан оғриган беморларда постковид синдром ни 12 ҳафталик реабилитациясининг комплекс дастурига тавсия бериш ва амалга ошириш алгоритми яратилган;

тадқиқотлар таҳлили натижаларига кўра, тавсия этилган реабилитация дастуридан фойдаланиш кардиологик беморларда постковид синдром ни асосий компенсатор механизмларидан бири эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилаган замонавий клиник, лаборатор, асбобий ва статистик усуллар, беморлар сонининг етарлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий жиҳатдан бир-бирига мувофиқлиги, тадқиқот натижаларини хорижий ва маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, ҳамда олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юрак қон томир касалликлари билан оғриган постковид синдромли беморларда юрак-респиратор тизимнинг хусусиятларини баҳолаш, шунингдек, янги коронавирус инфекцияси билан боғлиқ патологик ҳолат компенсациясига комплекс реабилитация дастурининг ижобий таъсирини аниқлаш ва инфекциядан кейинги даврда беморларни реабилитация қилиш зарурлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосалар асосида шакллантирилган тавсияларни амалга ошириш COVID-19 реабилитация даврида юрак қон томир касалликлари мавжуд бўлган беморларни назорат қилишни такомиллаштириш, мавжуд ўзгаришларни ривожланиш ва авж олиш хавфини аниқлаш, касалликнинг нохуш оқибати омилларини ўз вақтида аниқлаш даволаш самарадорлигини ошириш, асоратлар сонини камайтириш ва прогнозни яхшилаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиш. COVID-19 ўтказган юрак-қон томир касалликлари мавжуд беморларда реабилитация хусусиятларини баҳолаш бўйича олинган амалий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: юрак қон-томир касалликлари билан оғриган беморларда ковиддан кейинги асоратларни кардиореспиратор кўрсаткичлари мМРС шкаласи бўйича ҳансираш даражасини таҳлили реабилитация бошланганидан 12 ҳафта ўтгач реабилитация бошланишидан олдинги кўрсаткичларга солиштирганда 2,0 баллни ташкил этиши аниқланганлиги Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси 29.08.2024 йилдаги 1599-2-42-ТБ/2024-сонли ва Хоразм вилояти Янгиариқ туман тиббиёт бирлашмаси 26.08.2024 йилдаги 2952-12-179-ТБ/2024-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 19 апрелдаги 000153-қайд рақамли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: юрак қон-томир касалликлари билан оғриган беморларда ковиддан кейинги асоратларни кардиореспиратор кўрсаткичлари баҳолаш

диагностика сифатини яхшилайти, бу эса даволаш ва реабилитация муолажаларини ўз вақтида мақсадли равишда амалга ошириш, шунингдек, ушбу тоифадаги беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилаш имконини берган. Иқтисодий самарадорлиги: юрак қон томир касалликлари билан касалланган постковид синдромли беморларда mMRC шкаласи бўйича ҳансираш даражасини таҳлилини қўллаш билан эрта ташхислаш, реабилитация усулларини қўллаш даволаш учун қўшимча чора-тадбирларига сафрланадиган харажатларни тежаш имконини беради. Хулоса: COVID -19 билан касалланган беморларнинг функционал ҳолатини баҳолаш, шунингдек, постковид синдроми бўлган беморларни аниқлаш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: юрак-қон томир касалликларининг оғирлиги ва ковиддан кейинги асоратлар даражаси, учраш тезлиги ва тури, шунингдек, унинг компенсация даражаси ўртасидаги узвий боғлиқлик аниқланганлиги Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси 29.08.2024 йилдаги 1599-2-42-ТБ/2024-сонли ва Хоразм вилояти Янгиариқ туман тиббиёт бирлашмаси 26.08.2024 йилдаги 2952-12-179-ТБ/2024-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 19 апрелдаги 000153-қайд рақами хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: беморларда юрак-қон томир касалликларининг оғирлиги ва ковиддан кейинги асоратлар даражаси, учраш тезлиги ва турини ўрганиш ушбу турдаги беморларни даволаш ва реабилитация муолажаларини ўз вақтида мақсадли равишда амалга оширишга шунингдек, ушбу тоифадаги беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилаш имконини берган. Иқтисодий самарадорлиги: юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморларда кўрсаткичларини баҳолаш касалликни даволаш ва реабилитация учун янада малакали, ишончли ёндашувни таъминлайди ва даволаш ҳамда профилактика чоралари самарадорлигини ошириш имконини беради. Хулоса: юрак-қон томир касалликларининг оғирлиги ва ковиддан кейинги асоратлар даражасини баҳолаш асоратлари ривожланишини, касалхонага қайта ётишлар сонини ва кунини ҳамда даволаш учун кетадиган харажатларни камайтириш орқали иқтисодий самара беради;

учинчи илмий янгилик: ковиддан кейинги асоратларни қўшнатирилган реабилитация комплекс дастурининг юрак қон-томир касалликлари билан оғриган беморларнинг кардиореспиратор, жисмоний ва функционал саломатлиги кўрсаткичларига таъсири асосланганлиги Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси 29.08.2024 йилдаги 1599-2-42-ТБ/2024-сонли ва Хоразм вилояти Янгиариқ туман тиббиёт бирлашмаси 26.08.2024 йилдаги 2952-12-179-ТБ/2024-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 19 апрельдаги 000153-қайд рақами хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: COVID-19 билан касаллангандан кейинги реабилитация чоралари тамойилларини такомиллаштириш ва асоратлар ривожланиш хавфи юқори бўлган беморларни ажратиш, хавфини камайтириш, касалликнинг прогнозини ҳамда беморларнинг яшовчанлигини яхшилаш имконини берган; Иқтисодий самарадорлиги: ёшлар орасида ногиронликни қисқартиради, дори дармонга

сарфланадиган харажатларни ва тиббиёт ходимларининг иш вақтини камайтириш орқали юқори иқтисодий самарадорликни таъминлайди. Хулоса: комбинирланган реабилитация комплекс дастури ёрдамида даволашнинг эрта бошланишига, ўз вақтида келиб чиқадиган асоратларни олдини олишни муқобиллаштиришга, ҳамда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаб, даволаш чоратadbирларининг самарадорлигини ошириш имконини беради;

тўртинчи илмий янгилик: постковид синдромини реабилитация турига қараб, юрак қон-томир касаллиги билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифати параметрлари даражасига таъсирининг ҳар томонлама қиёсий таҳлилига кўра 3 босқичли комплекс тиббий реабилитация аҳамияти асосланганлиги Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси 29.08.2024 йилдаги 1599-2-42-ТБ/2024-сонли ва Хоразм вилояти Янгиариқ туман тиббиёт бирлашмаси 26.08.2024 йилдаги 2952-12-179-ТБ/2024-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 19 апрелдаги 000153-қайд рақами сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: постковид синдромини реабилитация турига қараб кейинги реабилитация чоралари тамойилларини такомиллаштириш ва асоратлар ривожланиш хавфи юқори бўлган беморларни ажратиш, хавфни камайтириш, касалликнинг прогнозини ҳамда беморларнинг яшовчанлигини яхшилаш имконини берган; Иқтисодий самарадорлиги: постковид синдромда бу усулдан фойдаланиш беморларни касалхонага ётиб даволанмасдан, ўй шароитида олиб бориш йўли орқали сарфланадиган вақтни қисқартиришга, шунингдек, даволаш ҳамда профилактика чоралари самарадорлигини ошириш имконини берган. Хулоса: юрак қон томир касалликлари билан касалланган постковид синдромли беморларда кардиореспиратор кўрсаткичларини баҳолаш касалликнинг кечишини секинлашиб, асосий касалликни авжланиши ва беморларнинг ногиронлиги камайиб, ўртача умр давомийлигини ошади, касалхонага қайта ётишлар сони, куни ҳамда даволаш учун кетадиган харажатларни камайиши орқали иқтисодий самара беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 120 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланади, мақсад қўйилади ва вазифалар

асосланади, илмий ишнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги тўғрисида маълумотлар келтирилади.

Илмий янгилик, олинган натижаларининг асосланиши ва ишончлилиги, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, диссертация тадқиқотининг мавзуси бўйича чоп этилган илмий ишлар ва маърузалар ва тезислар сони, шунингдек, диссертация тузилмасининг тавсифи келтирилади.

Диссертациянинг биринчи бобида **«Постковид синдроми бор бўлган юрак қон-томир касалликлари билан оғриган беморларини комплекс реабилитасияси»** мавзусига адабиётлар шарҳи берилган бўлиб, у ички ва хорижий тадқиқотлардан постковид синдроми бўйича мавжуд реабилитация дастурларининг шакллари ва турлари, шунингдек терапевтик, хусусан юрак қон-томир касалликлари мавжуд беморлардаги асосий касалликка ҳамда жисмоний ва психоэмоционал саломатликка бўлган таъсири ҳақида батафсил маълумотни ўз ичига олади. Ушбу ҳолат бўйича ҳозирги этиологик, эпидемиологик, патогенетик ва терапевтик-диагностик вазият, реабилитация усуллари танлаш ва унинг беморларнинг жисмоний, функционал ва психоэмоционал саломатлиги параметрлари билан боғлиқлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган. постковид синдром терапевтик беморларнинг кундалик имкониятлари ва меҳнат қобилияти паст даражадаги ҳолатига жисмоний жиҳатдан таъсир қилишнинг мавжуд усуллари тавсифланган.

Диссертациянинг иккинчи **«Материаллар ва усуллар»** бобида тадқиқот объектининг дизайни, хусусиятлари ва терапевтик, диагностик ва реабилитация даволаш усуллари акс эттирувчи маълумотлар тасвирланган.


Диссертация иши 2023 йилдан 2025 йилгача Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази негизда олиб борилган проспектив, кўндаланг клиник тадқиқот элементларидан иборат ретроспектив когорт тадқиқот шаклига эга. Тадқиқотнинг клиник босқичи SARS-CoV-2 янги коронавирус инфекциясини ўтказган 128 нафар (100%) юрак қон-томир касалликлари мавжуд беморлар билан (постковид синдроми - постковид синдром) кифояланди.. иштирокчиларининг 47 (36,7%) эркаклар ва 81 (63,3%) аёллар эди. Тадқиқот иштирокчиларининг ўртача ёши $66 \pm 5,6$ ёшни ташкил етди, 34 ёшдан 67 ёшгача бўлган ёш медианасида. Беморлар жисмоний реабилитация дастурининг турига қараб уч гуруҳга бўлинган. Икки қиёсий гуруҳ постковид синдром ни кардиореспиратор реабилитация қилиш бўйича такомиллаштирилган протоколни олган беморлардан ташкил топган - I гуруҳ, уларда 42 (32,8%) бемор; Иккинчи қиёсий гуруҳда 42 (32,8%) бемор ЖССТнинг жисмоний ёрдам ва постковид синдром га қарши кураш бўйича стандарт протоколини олган, III назорат гуруҳи эса 44 (34,4%) бемордан иборат бўлиб, улар даволовчи шифокорлар ва кардиология мутахассисларидан постковид синдром билан курашиш бўйича шартли тавсиялар олган. Тадқиқот гуруҳларида асосий юрак касалликлари орасида қуйидагилар устунлик қилди: I гуруҳ - юрак ишемик касаллиги (ЮИК), гипертония (ГК) 3 даража, функционал синф (ФС) II бўлган стенокардия, атеросклероз 2 даража ва юрак-қон томир асоратлари хавфи 4 - 9

(21,4%) бемор; ЮИК, ГК 2 босқич, Стенокардия ФС I, Юрак қон-томир асоратлари хавфи 1 босқич, Юрак қон-томир асоратлари хавфи 3 - 9 (21,4%) бемор; ЮИК, ГК 2-босқич, юрак-қон томир хавфи 2 - 8 (19,0%) бемор; ГК 2-босқич – 8 (19,0%) бемор; ГК 1-босқич – 8 (19,0%) бемор. II гуруҳда - ЮИК, ГК 3-босқич, Стенокардия ФС II, АС 2-босқич, юрак-қон томир касалликлари хавфи 4-даражаси 8 (19,0%) беморда қайд этилган;. ЮИК, ГК 2-босқич, Юрак Қон айланиши етишмовчилиги ФС I, АС 1-босқич, юрак-қон томир касалликлари хавфи 3-даражаси 8 (19,0%) бемор; ЮИК, ГК 2-босқич, юрак-қон томир хавфи 2 - 9 (21,4%) бемор; ГК 2-даража – 9 (21,4%) бемор; ГК 1-даража – 8 (19,0%) бемор. III гуруҳда - ЮИК, ГК 3-босқич, Юрак Қон айланиши етишмовчилиги ФС II, АС 2-босқич, юрак-қон томир хавфи 4-даража 9 (20,5%) беморларда кузатилади; ЮИК, ГК 2-босқич, Юрак Қон айланиши етишмовчилиги ФС II, АС 1 босқич, юрак-қон томир асоратлари хавфи 3 даража - 9 (20,5%); ЮИК, ГК 2-босқич, юрак-қон томир хавфи 2 даража - 9 (20,5%) бемор; ГК 2-даража – 8 (18,2%) бемор; ГК 1-даража – 9 (20,5%), ($p=1,000$). Тадқиқот иштирокчилари орасида янги SARS-CoV-2 коронавирус инфекциясининг кечиктирилган асосий белгилари нафас қисилиши ва жисмоний машқлар толерантлигининг пасайиши билан чарчоқ эди - 128 (100%) ҳолат; йўтал - 30 (23,4%); қон босими ортиши - 62 (48,4%); оғриқ синдроми - 22 (17,2%); овқат ҳазм қилиш бузилиши - 12 (9,4%); психо-эмоционал бузилишлар – 58 (45,3%); уйку бузилиши - 18 (14,1%); терининг қичиши - 7 (5,5%); тана вазнининг ўзгариши - 4 (3,1%); ҳид ва/ёки таъм сезишнинг бузилиши – 58 (45,3%), ($p=0,160$).

Асосий диагностика усуллари ва шу билан бирга, тавсия этилган реабилитация самарадорлигини баҳолаш усуллари постковид синдром реабилитацияси бошланишидан бир кун олдин, 6 ва 12 ҳафта ўтгач, бемор томонидан қабул қилиниши мумкун бўлган юкламанинг максимал даражасини аниқлаш билан кардиопулмонар стресс тести бўлиб, у мумкин бўлган 100 Вт (100 Вт) улушини ҳисобга олган ҳолда баҳоланди; организмнинг жисмоний фаолиятга чидамлилигини тавсифловчи максимал кислород истеъмоли VO_{2max} даражаси машғулоти яқунлаш даврида периферик капилляр оксигенация (SpO_2) таҳлили ўтказилди (бу ҳолда, дам олишда бошланғич даражадан тўйинганликнинг 4,0% дан кўпроқ пасайиши жуда муҳим эди); ўпканинг мажбурий тириклик сифими (ЎМТС), мажбурий нафас чиқариш сифими (МНЧС), ҳамда мажбурий нафас чиқариш сифимининг ўпканинг тириклик сифимига бўлган муносабати - Тиффно индекси, бу ўпканинг вентилляция қобилияти ва асосий жисмоний чидамлилиқ даражаси сифатида тавсифланган нафас олиш тизимининг вентилляция қобилиятининг ишлаш даражасини аниқлашга имкон берди, шунингдек, реабилитация тадбирлари пайтида жисмоний фаолиятда режим ва доза қийматларини тартибга солди.. II ва III гуруҳ беморлари учун ҳар бир машғулотда юрак-қон томир фаолияти (ЮҚТФ) мониторинги олиб борилди, бу кўрсаткичлар муолажадан олдин, фаолият бошланганидан кейин 6 ва 12 ҳафта ўтиб ҳар бир кўрсаткич ўлчанди. ЮҚТФ нинг асосий диагностик параметрлари орасида қон босими (ҚБ) параметрлари баҳоланди: тинч ҳолатда систолик қон босими

(СҚБ), жисмоний машқлар пайтида систолик қон босими (СҚБ_{6MWT}), тинч ҳолатда диастолик қон босими (ДҚБ), машқлар пайтида диастолик қон босими (ДҚБ_{6MWT}), шунингдек, юрак уриш сони тинч ва машқлар пайтида (ЮУС_{6MWT}). Бундан ташқари, барча беморларга постковид синдром реабилитация дастурини бошлашдан олдин функционал фаоллик мониторингари ўтказилди. Жисмоний машқлар қобилиятини баҳолаш усули сифатида тадқиқот иштирокчиларига 6 дақиқалик юриш тести (6_{MWT}) берилди. Тадқиқот иштирокчиларининг чарчоқ даражаси Чарчоқни баҳолаш шкаласи (FAS) ёрдамида баҳоланди. Нафас қисилиши даражаси зўриқиш шкаласи (ўзгартирилган Тиббий тадқиқот кенгаши - mMRC) ёрдамида баҳоланди. Ҳаёт сифати кўрсаткичлари SGRQ сўровномаси ёрдамида баҳоланди.

Диссертациянинг «Ковиддан кейинги асоратлар реабилитациясининг нафас олиш функциясига таъсирини баҳолаш натижалари» учинчи бобида реабилитация дастурлари доирасида тадқиқот иштирокчиларига таклиф қилинган жисмоний фаолликка жавобан нафас олиш тизими ва нафас олиш функциясидаги ўзгаришлар таҳлили натижалари келтирилган, шу билан бирга I гуруҳ беморларида бу кўрсаткичларда сезиларли натижалар аниқланган. Шундай қилиб, I гуруҳдаги ўртача ЎТС қийматларининг ўзгариши 13,6% ни ташкил этди ва 2,2л. га етди, бу II гуруҳдаги беморларда 0% ва III гуруҳ иштирокчилари орасида 5,0% дан статистик жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилди ($p < 0,001$), (1-расм).




Изоҳ: * $p < 0,001$ I ва II гуруҳлар орасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли;

^ $p < 0,001$ I ва III гуруҳлар орасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли

1-расм. Реабилитация дастурининг турига қараб ўпка тириклик сиғими қийматлари динамикасини таҳлили

Ушбу 1-дақиқада мажбурий нафас чиқариш ҳажми қийматлари реабилитация таъсири гуруҳига қараб ҳам фарқланади. I гуруҳдаги постковид синдром бўлган беморларда реабилитация таъсири 11,1% га етди, II гуруҳ ва назорат гуруҳидаги беморларда мос равишда 5,8 ва 0% ($p < 0,001$), (2-расм).




Изоҳ: * $p < 0,001$ I ва II гуруҳлар орасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли;

^ $p < 0,001$ I ва III гуруҳлар орасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли

2-расм. Реабилитация дастурининг турига қараб 1-дақиқада мажбурий нафас чиқариш ҳажми қийматлари динамикасини таҳлили

Тиффно индексида ифодаланган 1-дақиқада мажбурий нафас чиқариш ҳажми ва ўпканинг тириклик сиғими нисбатини таҳлил қилганда, постковид синдром реабилитацияси бошланганидан 12 ҳафта ўтгач, барча гуруҳларда статистик жиҳатдан сезиларли фарқ аниқланди. I гуруҳда ҳаво йўллариининг ўтказувчанлиги ёки ҳаводорлик даражаси 3,0% га ошди ва 70,2% даражасига етди ($p < 0,001$). II ва III гуруҳларда Тиффно индекси мос равишда 1,3 ва 0,6% га ошди ($p < 0,001$), (3-расм).




Изоҳ: * $p < 0,001$ I ва II гуруҳлар орасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли;

^ $p < 0,001$ I ва III гуруҳлар орасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли

3-расм. Тиффно индекси қийматлари динамикасини реабилитация дастури турига қараб таҳлили

Беморларнинг жисмоний чидамлилигининг (Кислородни максимал истеъмол қилиш) жисмоний фаолликка жавоби тўғридан-тўғри кўрсаткичи, реабилитация бошланганидан кейин 12 ҳафта ўтгач, I гуруҳда сезиларли даражада ошди - 10,3%, бу II ва III гуруҳлардан статистик жиҳатдан - мос равишда 3,3 ва 2,7% ($p < 0,001$)дан сезиларли даражада фарқ қилган (4-расм).




Изоҳ: * $p < 0,001$ I ва II гуруҳлар орасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли;

^ $p < 0,001$ I ва III гуруҳлар орасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли

4-расм. Реабилитация дастурининг турига қараб кислородни максимал истеъмол қилиш қийматлари динамикасини таҳлил қилиш

Тадқиқот иштирокчилари орасида реабилитация бошланганидан 12 ҳафта ўтгач, капилляр қоннинг тўйинганлиги кўрсаткичлари постковид синдром комбинацияланган реабилитациясининг кенг қамровли дастуридан фойдаланишнинг афзаллигини кўрсатди. Шундай қилиб, I гуруҳда машғулоти охирида энг яхши тўйинганлик кўрсаткичи қайд этилди, бу 98,0% ни ташкил этди, бу II ва III гуруҳларга нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли даражада яхши натижа - 96,0 ва 95,0% ($p < 0,001$), (5-расм).




Изоҳ: * $p < 0,001$ I ва II гуруҳлар орасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли;

^ $p < 0,001$ I ва III гуруҳлар орасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли

5-расм. Реабилитация дастурининг турига қараб SpO2(қоннинг кислород билан тўйиниши) қийматлари динамикасини таҳлил қилиш

Ниҳоят, реабилитация бошланганидан 12 ҳафта ўтгач, mMRC(ҳансираш даражаси) шкаласи бўйича ҳансираш даражасини таҳлил қилиш, реабилитация бошланишидан олдинги 2,0 баллга солиштирганда I ва II гуруҳидаги беморларда 1,0 баллга нафас қисилиши даражасининг аниқ пасайишини аниқлади ($p < 0,001$). Назорат гуруҳида mMRC(ҳансираш

даражаси шкаласи бўйича нафас қисилиши индекси реабилитация бошланганидан 12 ҳафта ўтгач ҳам 2,0 баллни ташкил этди (6-расм).



Изоҳ: [^]p<0,001 I ва III гуруҳлар орасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли

6-расм. Реабилитация дастурининг турига қараб mMRC бўйича хансираш даражаси қийматлари динамикасини таҳлил қилиш

12 ҳафталик реабилитация дастурини тамомлаган тадқиқот иштирокчилари орасида нафас олиш функцияси кўрсаткичларининг юрак патологияси турига боғлиқлигини таҳлил қилиш изчил натижаларни кўрсатди. Шундай қилиб, юрак касалликларининг клиник оғир шакли бўлган беморлар учун нафас олиш кўрсаткичлари юрак-қон томир патологиясининг клиник жиҳатдан енгилроқ кўриниши бўлган беморларга нисбатан ёмонроқ эди (p<0,001).

Диссертациянинг тўртинчи боби, «Ковиддан кейинги асоратлар реабилитациясининг юрак-қон томир функциясига таъсирини баҳолаш натижалари» постковид синдром реабилитациясининг юрак қон-томир касалликлар билан оғриган беморларнинг юрак-қон томир фаолиятига таъсирини акс эттиради. 12 ҳафталик реабилитация протоколига жавобан юрак-қон томир фаолиятини таҳлили натижасида реабилитация дастурининг турига қараб тадқиқот иштирокчилари ўртасида юрак уриш тезлиги ва қон босимида сезиларли фарқлар аниқланди. Кардиологик реабилитациянинг энг эффектив таъсири постковид синдром ни комбинирланган реабилитация комплекс дастурини олган беморларда қайд этилди. Тадқиқот иштирокчиларининг тинч ҳолатда юрак уриш тезлиги реабилитация бошланганидан 12 ҳафта ўтгач статистик жиҳатдан сезиларли фарқларга эга эди. I гуруҳда энг яққол компенсация таъсири қайд этилди, бу реабилитация бошланишидан олдин 87,0 зарба / мин ва 12 ҳафтадан кейин 77,0 зарба / мин дан 11,5% ни ташкил этди (p<0,001). II гуруҳда дам олиш пайтида юрак уриш тезлиги дақиқада 84,0 дан 80,0 зарба / мин гача (p= 0,001) 4,7% га камайди. постковид синдром нинг олдини олиш бўйича жисмоний фаолият бўйича тавсиялар олган беморларнинг назорат гуруҳи энг кичик таъсирга эга бўлди, бу 4,0% ни ташкил этди, шунинг учун реабилитация бошланишидан олдин ўртача дам олиш пайтида юрак уриш тезлигининг кўрсаткичлари

реабилитация бошланганидан 12 ҳафта ўтгач 86,5 зарба / мин ва 80,0 зарба / мин эди ($p = 0,001$), (1-жадвал).

1-жадвал

Реабилитация дастурининг турига қараб тинч ҳолатда юрак уриш тезлиги динамикасини таҳлил қилиш

Гуруҳ	Кузатув босқичлари						P
	ЮУТ		ЮУТ (6 ҳафта)		ЮУТ (12 ҳафта)		
	Me	Q ₁ – Q ₃	Me	Q ₁ – Q ₃	Me	Q ₁ – Q ₃	
III гуруҳ	86,5 (n=44)	77,5-90,5	85,0 (n=44)	75,8-86,5	83,0 (n=44)	80,0-86,2	0,001
II гуруҳ	84,0 (n=42)	80,0-88,5	82,5 (n=42)	74,5-87,5	80,0 (n=42)	76,0-84,0	0,001
I гуруҳ	87,0 (n=42)	78,0-92,0	81,0 (n=42)	75,0-86,0	77,0 (n=42)	73,2-83,0	<0,001
P	0,585		0,604		0,004 p _{Гуруҳ III – Гуруҳ I} = 0.003		–

Тадқиқот бошланганидан 12 ҳафта ўтгач, II гуруҳ беморлари ва назорат гуруҳидаги беморларда юрак уриш тезлиги 2,4% ва 1,6% таъсир кўрсатди. I гуруҳ билан солиштирганда ўзгаришлар бўлишига қарамай, машқлар пайтида юрак уриш тезлиги кўрсаткичлари реабилитациядан олдинги даврга нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли фарқларга эга эди ($p < 0,001$), (2-жадвал).

2-жадвал

Реабилитация дастурининг турига қараб машқлар пайтида юрак уриш тезлиги динамикасини таҳлил қилиш

Гуруҳ	Кузатув босқичлари						P
	ЮУТ _{6MWT}		ЮУТ _{6MWT} 6 ҳафта		ЮУТ _{6MWT} 12 ҳафта		
	Me	Q ₁ – Q ₃	Me	Q ₁ – Q ₃	Me	Q ₁ – Q ₃	
III гуруҳ	122 (n=44)	115-124	122 (n=44)	116-125	120 (n=44)	115-124	<0,001
II гуруҳ	123 (n=42)	119-128	121 (n=42)	118-125	120 (n=42)	116-123	<0,001
I гуруҳ	122 (n=42)	116-127	118 (n=42)	114-120	114 (n=42)	109-118	<0,001
P	0,267		0,022* pГуруҳ _{II} – Гуруҳ _I = 0,025		<0,001 pГуруҳ _{III} – Гуруҳ _I <0,001 pГуруҳ _{II} – Гуруҳ _I <0,001		–

Постковид синдром билан оғриган беморларни реабилитацияси бошланганидан 12 ҳафта ўтгач, тинч ҳолатда систолик қон босими таҳлили, шунингдек, жисмоний машқлар пайтида ДАҚБ ҳолатида I ва II гуруҳларда сезиларли ўзгаришлар бўлган - мос равишда 4,3% ва 2,1% ($p < 0,001$). Назорат гуруҳида систолик қон босимидаги ўзгаришларни қайд этиб бўлмади ($p = 0,114$), (3-жадвал).

3-жадвал

Реабилитация дастурининг турига қараб тинч ҳолатда олишда систолик артериал қон босими қийматлари динамикасини таҳлил қилиш

Гуруҳ	Кузатув босқичлари						P
	САҚБ		САҚБ (6 ҳафта)		САҚБ (12 ҳафта)		
	Me	Q ₁ – Q ₃	Me	Q ₁ – Q ₃	Me	Q ₁ – Q ₃	
III гуруҳ	144 (n=44)	139-148	143 (n=44)	138-151	144 (n=44)	139-148	0,114
II гуруҳ	143 (n=42)	138-147	141 (n=42)	137-144	140 (n=42)	138-144	<0,001
I гуруҳ	140 (n=42)	132-150	137 (n=42)	135-140	134 (n=42)	130-139	<0,001
P	0,051		<0,001 pГуруҳ _{III} – Гуруҳ _I <0,001 pГуруҳ _{II} – Гуруҳ _I =0.006		<0,001 pГуруҳ _{III} – Гуруҳ _I <0,001 pГуруҳ _{II} – Гуруҳ _I <0.001		–

Жисмоний машқлар пайтида систолик қон босими таҳлил қилинган ҳолларда, I ва II гуруҳлардаги беморларда энг аниқ ўзгаришлар қайд этилган - 2,7% ва 2,0% мос равишда, III гуруҳ учун бу ўзгаришлар атиги 1,8% ва систолик артериал қон босими кўрсаткичлари 157 мм.сим.уст. (p<0,001) даражасида эди (4-жадвал).

4-жадвал

Реабилитация дастурининг турига қараб машқлар пайтида систолик қон босими қийматлари динамикасини таҳлил қилиш

Гуруҳ	Кузатув босқичлари						P
	САҚБ (6MWT)		САҚБ (6MWT) 6 ҳафта		САҚБ (6MWT) 12 ҳафта		
	Me	Q ₁ – Q ₃	Me	Q ₁ – Q ₃	Me	Q ₁ – Q ₃	
III гуруҳ	160 (n=44)	150-167	160 (n=44)	149-164	157 (n=44)	152-166	0,119
II гуруҳ	156 (n=42)	150-161	154 (n=42)	150-159	152 (n=42)	148-155	<0,001
I гуруҳ	152 (n=42)	150-162	149 (n=42)	147-156	149 (n=42)	143-154	<0,001
P	0,052		<0,001 pГуруҳ _{III} – Гуруҳ _{II} =0,026 pГуруҳ _{III} – Гуруҳ _I <0,001		<0,001 pГуруҳ _{III} – Гуруҳ _{II} =0,001 pГуруҳ _{III} – Гуруҳ _I <0,001 pГуруҳ _{II} – Гуруҳ _I =0,007		–

Тинч ҳолатидаги диастолик қон босими қийматлари барча 3 Гуруҳда 12 ҳафталик кузатиш даврида сезиларли даражада пасайди. Шундай қилиб, I, II ва III гуруҳларда диастолик қон босими мос равишда 6,7%, 3,4% ва 2,2% га камайди (p <0,001), (5-жадвал).

5-жадвал

Реабилитация дастурининг турига қараб беморларнинг гуруҳларига қараб тинч ҳолатда диастолик қон босими қийматлари динамикасини таҳлил қилиш

Гуруҳ	Кузатув босқичлари						P
	ДАҚБ		ДАҚБ (6 ҳафта)		ДАҚБ (12 ҳафта)		
	Me	Q ₁ – Q ₃	Me	Q ₁ – Q ₃	Me	Q ₁ – Q ₃	
III гуруҳ	89 (n=44)	85-90	89 (n=44)	86-91	87 (n=44)	85-91	0,001
II гуруҳ	87 (n=42)	83-90	86 (n=42)	83-90	84 (n=42)	83-87	<0,001
I гуруҳ	89 (n=42)	85-92	85 (n=42)	84-91	83 (n=42)	82-87	<0,001
P	0,272		0,028 pГуруҳ III – Гуруҳ II =0,036		<0,001 pГуруҳ III – Гуруҳ II =0,001 pГуруҳ III – Гуруҳ I <0,001		–

Жисмоний машқлар пайтида диастолик қон босимидаги кўрсаткичлар I ва II гуруҳлардаги беморлар учун сезиларли даражада ўзгарди 7,0% ва 3,0% ни ташкил этди. 12 ҳафталик кузатув даврида беморларнинг назорат гуруҳида ДАҚБ_{6MWT} кўрсаткичлари ($p = 0,625$) ўртасидаги фарқларни аниқлаш имкони бўлмади (6-жадвал).

6-жадвал


Реабилитация дастурининг турига қараб машқлар пайтида диастолик қон босими қийматлари динамикасини таҳлил қилиш

Гуруҳ	Кузатув босқичлари						Р
	ДҚБ (6MWT)		ДҚБ (6MWT) 6 ҳафта		ДҚБ (6MWT) 12 ҳафта		
	Me	Q ₁ – Q ₃	Me	Q ₁ – Q ₃	Me	Q ₁ – Q ₃	
Гуруҳ III	100 (n=44)	98-104	101 (n=44)	98-105	100 (n=44)	98-104	0,625
Гуруҳ II	100 (n=42)	96-105	98 (n=42)	94-102	97 (n=42)	93-99	<0,001
Гуруҳ I	100 (n=42)	95-104	96 (n=42)	96-99	93 (n=42)	90-96	<0,001
Р	0,912		<0,001 pГуруҳ _{III} – Гуруҳ _I <0,001		<0,001 pГуруҳ _{III} – Гуруҳ _{II} =0,002 pГуруҳ _{III} – Гуруҳ _I <0,001 pГуруҳ _{II} – Гуруҳ _I =0,004		–

